

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Ш. ШОДМОНОВА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ПЕДАГОГИКАСИ**
(Ўқув-методик қўлланма)

ТОШКЕНТ—2008

**Ш.Шодмонова. Мактабгача таълим педагогикаси. Т.,
«Fan va texnologiya», 2008, 160 бет.**

Мазкур қўлланма педагогика олий ўқув юртларининг мактабгача ва оилавий тарбия ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган. Унда мактабгача тарбия педагогикасига оид муаммолар бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда баён этилади.

Масъул муҳаррир: О.ҲАСАНБОЕВА — профессор

Такризчилар: Ф.Р.ҚОДИРОВА — пед. фанлари доктори;
Д.ХОЛИҚОВ—пед. фанлари номзоди, доцент.

Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2007 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-10-139-5

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008.

I боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ ФАНИНИНГ МАВЗУСИ, УСЛУБИЯТИ ВА БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Режа:

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси ва баҳси.
2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади ва вазифаси.
3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари.
4. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.

Инсон тарбияси инсоннинг ўзи каби қадимий ва кенг қамровлидир. Шу сабабли, инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг маърифатлилиги ва маънавий комиллигига эришиш ишлари педагогика фани етакчилигида амалга оширилади.

Демак, педагогика фани кишига ҳар томонлама тарбия бериш, ҳар бир шахсни ҳамма ёш давларида уйғун ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Шу боис, педагогика фани инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, тарбия соҳасидаги жамият талабларини амалга ошириш йўлида хизмат қилади.

Мактабгача педагогика эса болага туғилганидан то етти ёшигача ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим-тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шакллари ишлаб чиқади.

Инсон тарбиясига оид қонунлар дастлаб халқ оғзаки ижодида: эртақ, қисса, панднома, мақол ва матал кабиларда, кейинроқ ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган.

Таълим-тарбия ишларининг такомиллашиб боришида Шарқ ва Ғарбнинг қомусий олим ва педагогларининг ўрни каттадир. Марказий Осиёлик машҳур алломалар: Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Абдулла Авлоний каби жаҳон тан олган мутафаккирлар ўзларининг қатор асарларида таълим-тарбияга катта эътибор билан қараганлар.

Файласуф олим Форобий ўзининг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқали инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб беради.

Абдулла Авлоний эса тарбия ҳақида ғоят ибратли фикрларни билдиради. «Педагогика — Абдулла Авлонийнинг ёзишича, — бола тарбиясининг фани, демакдир». «Дарс ила тарбия ... иккиси жон ила тан кабидир», «Дарс олувчи—билувчи, тарбия олувчи—амал қилувчидир». Бу ерда педагогика фанига қисқа ва лўнда таъриф бериб, таълим билан тарбияни эса жон билан танга ўхшатиб, уларни бир-биридан ажратиб тушуниш мумкин эмаслигини ёрқин ифодалаб берган. Авлонийнинг таъкидлашича, тарбияни ёшлиқдан бериш ниҳоятда зарур. Болага аввало, кичик ёшдан бошлаб, ота-она тарбия беради, кейин тарбия билан бутун жамоатчилик шуғулланади, чунки бунда инсон тақдири ҳал этилади дейди.

Демак, педагогиканинг бош масаласи тарбия саналади. Тарбия жараёнида эса боланинг онги, ҳис-туйғулари шаклланади. Энг муҳими ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий муносабатларга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Мактабгача таълим педагогикаси болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда

уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Мактабгача тарбия муассасалари ҳам болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш энг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

«Мактабгача таълим педагогикаси» фани «Педагогика» фанининг бир қисми бўлиб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг назарий асослари: ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган, таълим-тарбия борасида яратилган тажрибаларга, назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюк мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларига асосланади.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари: таълим-тарбия муаммоларини, муайян миллатнинг миллий қадриятларини умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаган ҳолда ҳал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлаштиришдан иборат.

Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача педагогика фанининг долзарб муаммоларидан саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлик, ахлоқий поклик, жисмоний мукаммалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад